4831/12670

| «ТАСДИҚЛАНГАН» | «РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН» |
|---|---|
| «Qorako'ldonmaxsulotlari» aksiyadorlik jamiyatining Кузатув кенгаши раиси | Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг Бухоро вилояти худудий бошқармаси бошлиғи в.б. |
| _______Эсанов Э. | _______Хамраев О.Т. |
| «30» июн 2015 й. 1 -сон | «__» июл 2015 й С-0085-5 сон |
| (сана) М.Ў. | (сана) М.Ў. |

# ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

"Qorako'ldonmaxsulotlari" aksiyadorlik jamiyati

**Идентификация рақами берилди:** R U 1 0 5 C 0 0 8 5 T 7

**Эгасининг номи ёзилган номинал қиймати 200 сўм бўлган**
**2 455 149 дона оддий ҳужжатсиз акциялар**

**Ёпиқ обуна (хусусий йўсинда жойлаштириш).**

Қимматли қоғозларнинг ушбу чиқарилиши бешинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган 2015 йил «30» июндаги кузатув кенгашининг мажлисида 1 -сонли баённома, 2015 йил «28» апрелдаги акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида — -сонли баённома.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Қоракул тумани, Тинчлик кўчаси, 47-уй тел./факс 0 (365) 56-57-300, 56-57-039

**Эмитентнинг раҳбари:** _______________ (имзо) **У.Ш.Бозоров.**

**Бош бухгалтер:** _______________ (имзо) **Г.Х. Жумаев**

М.ў. «30» 06. 2015 й.

1.Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **ҳужжатсиз (нақдсиз).**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **200.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **2 455 149.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **491 029 800.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

***Акциядорлар:***

***- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;***

***- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;***

***- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;***

***- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;***

***- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;***

***- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;***

***- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;***

***- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;***

***- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;***

***- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;***

***- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.***

***Шунингдек акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.***

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

**“Qorako’ldonmaxsulotlari” aksiyadorlik jamiyatining уставида ва чиқарилуви тўғрисидаги қарорда чекловлар белгилаб қўйилмаган.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **108 970 200.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Аввал хар бирининг номинал қиймати 200 сўм бўлган 544 851 дона эгаси ёзилган оддий нақдсиз (ҳужжатсиз) акциялар жойлаштирилган.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Жамият томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна) - **Мазкур акциялар ёпиқ обуна усули билан давлат улуши сифатида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят худудий бошқармаси ҳисобига жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати – **Чиқарилаётган акциялар Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг Бухоро вилоят худудий бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан бир йил муддатда жойлаштирилади.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: **Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан биржадан ташқари бозорда фуқаролик-ҳуқуқий битимларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади. Акциялар чиқарилуви ёпиқ тарзда белгиланганлиги сабабли жойлаштирилишни бошлаш акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин**

**бошланади.**

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати):

***Акцияларни сақлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.***

***Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.***

***Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш хизмат кўрсатувчи депозитарийлар томонидан амалга оширилади.***

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумотлар:

Тўлиқ номи: ***Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси***

Ташкилий ҳуқуқий шакли: ***Давлат унитар корхонаси***

Жойлашган ери ва почта манзили: ***100000, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй.***

Алоқа телефони: ***0-371-236-14-34.***

***Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарорига асосан юритади.***

Хизмат кўрсатувчи депозитарийлар тўғрисидаги маълумотлар:

Тўлиқ номи: ***«BUXORO VAQT» масъулияти чекланган жамияти***

Ташкилий ҳуқуқий шакли***: масъулияти чекланган жамияти***

Жойлашган ери ва почта манзили***: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.***

Алоқа телефони***: 0-365-223-52-83.***

***Депозитар фаолиятни амалга ошириш учун Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2005 йил 24 февралдаги 788-сонли амал қилиш муддати чекланмаган муддатга лицензия берилган.***

***Акцияларни сақлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ҳисоб регистрларида амалга оширилади.***

***Депозитарийлар ўз депонентларининг ҳисобварақларида уларнинг Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидаги вакиллик ҳисобварақларида жамлаб ҳисобга олиб бориладиган акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олади.***

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

**Мазкур акциялар ёпиқ обуна йўли билан давлат улуши сифатида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилоят худудий бошқармаси ҳисобига жойлаштирилиши муносабати билан имтиёзли ҳуқуқлар қўлланилмайди.**

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: **Мазкур чиқарилувдаги акциялар номинал қийматида жойлаштирилади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: **Мазкур эмиссия доирасида чиқарилаётган хужжатсиз шаклдаги оддий акциялар жамиятнинг соликдан бўлган қарздорлиги ҳисобига чиқарилиб ёпиқ тартибда давлат улуши сифатида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополидан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилоят худудий бошқармаси ҳисобига**

**жойлаштирилиши сабабли ушбу акцияларга пул тўловлари амалга оширилмайди;**

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас): **Ушбу чиқарилувдаги акциялар 100 фоиз жойлаштирилмаган тақдирда амалга ошмаган деб топилади.**

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: **Мазкур эмиссия доирасида чиқарилган акциялар амалга ошмаган деб топилганда, ушбу акциялар учун камайтирилган солиқ қарздорлиги белгиланган тартибда ҳисобланади ва жамиятдан ундирилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

**Акциялар ёпиқ тарзда (хусусий йўсинда) жойлаштирилиши сабабли, ушбу чиқарилув юзасидан ахборотни ошкор қилиш назарда тутилмаган.**

**Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси билан Бухоро вилоят, Коракул тумани, Тинчлик кўчаси, 47-уйда жойлашган "Qorako'ldonmaxsulotlari" aksiyadorlik jamiyatining қимматли қоғозлар бўйича бўлимида танишиш мумкин.**

13. Бошқа маълумотлар. **Мавжуд эмас.**